

Тарих илми улкан омонат хисобланади. Бўлиб ўтган ходисаларни омонат тутиб келажак авлодларга етказиш хар бир жамиятнинг бурчидир. Келажак авлод эса ўша тарихни ўрганиб, умри узаяди, тажрибаси ортади. Аввалгиларнинг фойдали ишларини ўзига ибрат килиб олади ва хатоларини такрорламасликка харакат килади. Инсоният тарихида бу ишга хамиша амал килиб келинди. Тарихий ходисаларни бузмай кўрсатишга, кандай бўлса шундайлигича келажак авлод учун колдиришга, иложи борича, харакат килинди. Факат худосизлар тузуми-коммунистлар даврига келиб, бу одат кўпол равишда бузилди. Коммунистлар факат ўзлари иштирок этган воқеаларни бузиб кўрсатибгина колмай, балки, бутун бошли инсоният тарихини моддий (материалистик) тафсир килиб чикдилар. Тарих саҳифаларини ўзларининг кингир тарозуларига солиб ўлчадилар ва одамларни шунга ишонишга мажбур килдилар.

Шундай килиб, кизил империя асорати остида колган бизнинг юртимиз тарихи хам бутунлай бузилди. Тарихимиз саҳифалари кизил ёлгонга тўлиб кетди. Айникса, коммунистлар олиб борган вахшиёна сиёсат хакида тузукрок бир маълумот тўплаш имкони бўлмади.

Бу маънода коммунистик террордан кочиб, дину диёнатини, жонини саклаш максидида чет элларга хижрат килишга мажбур бўлган ватандошларимиз колдирган асарлар алоҳида ўрин тутди. Менимча, мухожирларимизнинг асарлари диёримиз тарихини яхширок ўрганишда, коммунистлар халқдан беркитган хакикатни ошкор килишда катта манба бўла олади.

Шундай асарлардан бири Мухаммад Мусо Туркистонийнинг “Улуг Туркистон фожиаси” тарихий асаридир. Асарнинг муҳимлиги шундаки, аввало ундаги маълумотлар эътиборли манбалардан олингандир. Янада эътиборга молик ери шундаки, воқеаларнинг кўпларини муаллиф ўз кўзи билан кўрган, бошидан кечирган ёки кўрган-билганлардан накл килган. Мухаммад Мусо Туркистоний 1904 йили Андижонда, диндор оилада таваллуд топиб, бошлангич таълимни ўша вақтдаги мактабларда олдилар. 1919 йили гимназияни битириб, Иттиходи Исломий жамиятига аъзо бўлдилар. 1928 йили Афғонистонда форс тилини ўргандилар. 1929 йили Макка ва Мадинада араб тилини мукаммаллаштирдилар. 1931 йили Кошгорда Шаркий Туркистон жумхурияти куришда иштирок этдилар. У ерда Кизил ярим ой жамияти ва шифохоналар очишда катнашиб, масъул вазифаларда ишладилар.

Шаркий Туркистон жумхурияти инкирозидан сўнг 1934 йили Кобулга, 1937 йили эса, Хижоз-Макка ва Мадинага келдилар. Якинда вафот этдилар (Аллох раҳматига олсин). Мухаммад Мусо Туркистоний бир неча китоблар талиф килганлар. “Улуг Туркистон фожиаси” у кишининг бош асари бўлиб, икки жилддан иборатдир. Биринчиси Гарбий Туркистонга, иккинчи қисми эса, Шаркий Туркистонга багишланган. Асарнинг биз учун алоҳида ахамиятли биринчи жилди ўзбек тилида, Куръон харфларида чоп килинган бўлиб, 400 саҳифадан кўпроқдир.

Она Ватан фиругида куйган, жонажон диёр мухаббати ила ёнган муаллиф, китоб зарваракларига ажойиб бир дардли мисраларни жойлаштирган:

Ватан малуф ўланлар бесабаб тарки диёр этмас.

Заруратсиз жахонда кимса гурбат ихтиёр этмас.

Иккинчи байт:

Чидолмай кўрдигим хаксизликка тарки ватан килдим.
Ўрус зулмила жисмим поради, кати чаман килдим.

Китобга догистонлик машхур мужохид Имом Шомил ўгли, Саид Шомилбек мукаддима ёзган.

Китобнинг кириш қисмида муаллиф руслар томонидан тарих бузилганлиги хақида афсус ва надомат билан шундай дейди:

“Руслар Туркистон фожиасига оид тарихни таҳриф этдилар. Мужохидларимизни ва миллий кахрамонларимизни “босмачи” дедилар. Тарих ҳеч бир замонда ва ҳеч маконда мундоқ таҳриф қилинмади ва таҳкир қилинмоғондир. Рус воқеанавислари Туркистон фожиасида рол ўйнаган мужохидларимизни бир тўп карокчи, босмачи шаклида кўрсатди. Зотан, руслар муголата қилиш сиёсатида кўп мохирдирлар”.

Сўнгра, Мухаммад Мусо Туркистоний бу ноҳақликни муҳокама этиб, қуйидагиларни ёзади:

“Аммо эллик-олтмиш минг аскар ила мукамал силохлик, қувватлик, мухторият ҳукумати қура билган миллий мужодала кахрамонларини босмачи демак хаксизликдир. Ошқор душман сўзидир.

Бир замонлар осойишталикни ҳалолдор қилган ёмонларни ёмонликда давомлари учун руслар кўз юмдилар эди. Шу вақтда ўғрилари, ашқиларни, карокчиларни ҳаммаларини босмачи деб от қўйган, айни замонда мужохидларимизни ҳам босмачи (разбойник) деб пропоянда қилдилар. Овропа ва бошқа давлатлар русларнинг матбуотидан олгон хабарларни айнан нашр этдилар. Туркистон мужохидлари деб ёздиролгон ерда, газетларда, мажмуаларда босмачи, деб ёзиб тарқатдилар. Холбуки, Туркистонда саккиз сана давом этган миллий мужодала даврида миллионлаб шахидлар бергон мужохидларимизнинг мисоли, Анкарада чиққан миллий мужодала кахрамонларига ўхшайдир. Яна бир мисоли Жазоирда Франса ҳукуматига исён қилуб, саналарча мухорабадан кейин истиклолига эга бўлган Жазоир мужохидлари қабидир”.

Бу мавзудаги фикрни ривожлантира бориб, муаллиф ушбуларни ёзади:

“Мужохидларимизни гарчи руслар дунёга “босмачи” деб эълон қилса ҳам, Оврупонинг баъзи муҳаррирлари ҳақиқатни майдонга чиқариб, Туркистон миллий мужодала ҳаракатларини миллий кўзголиш, деб ёзгон ёзувчилар бўлди. Жумладан, Михаил Ривкин “Осиёдаги Русия” исмли китобида руслар “босмачилик” деган миллий мужодала ҳаракати мусулмон миллатчиларининг Фаргона водийсиндан ёйилган ҳаракатидур, деб ҳақиқат ҳолни ёзиб нашр қилди”.

Мухаммад Мусо Туркистоний “Хулосаи калом “босмачи” деган ифтиро хаксизликни мудофаа қилиш биз туркистонликларга тушади”, дейди.

Муаллиф:

24.10.2010 01:19 - Янгиланди 22.11.2010 06:08

Бу жуда тўғри ва хаммага тааллуқли гапдир. “Улуг Туркистон фожиаси” китобини вараклар эканмиз, кўплаб керакли маълумотлар оламиз. Китобнинг аввалида русларнинг тарихи, урф одатлари, мўгуллар, Амир Темур ва бошқаларнинг руслар билан бўлган урушлари ва можаролари хақида баён килинган.

Сўнгра руслар Туркистонни қай тарзда босиб олганлари, мустамлакачилик сиёсатлари, Ислом динига қарши олиб борган ишлари, бу ишларда рус шарқшунослари тутган ўрин баён килинади.

Китобда, шунингдек, муаллифнинг русларнинг “муфтий” сайлашдаги аралашувлари, муфтий килиб сайланиши лозим бўлган одамнинг ақлсиз, билимсиз бўлиши учун каттик уринганликлари, хужжатлар асосида фош килинади.

Муаллиф юрт бошига тушган мусибатларни бирма-бир васф килиб чиқади. Айниқса, мустамлакачиларга қарши курашга катта ўрин берилади. Дукчи Эшон кўзголонидан бошланиб, мужохид кўрбошилар харакати батафсил баён килинади.

Шунингдек, “Туркистон фожиаси” китобида жадидлар харакатига хам алоҳида эътибор берилган.

Китоб сўнггида миллий озодлик харакатлари алдов, хиёнат ва шафқатсизлик билан бостирилгандан сўнг, коммунистлар юрт бошига солган бало-офатлар хақида сўз юритилади.

Ўзимизни англаш жараёнида, тарихимизнинг аслини ўрганиб, омонатни халқимизга ўзлигича етказиш учун шубҳасиз кенг кўламда ишлар килиш керак.

Бу борада мухожирларимиз томонидан килинган ишларни хам муносиб тақдирлашимиз лозим, деб ўйлайман.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф